

Клопростенол- ушбу препарат Самарқанд вилояти Чархин кўрғонида янги ташкил этилган МЧЖ “ Ўзбиокомбинат” Ўзбекистон Буюк Британия Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган.

Таркиби: 1 мл да Клопростенол 0,25 мг.

Фармакологик хусусиятлари: Клопростенол тухумдон сарик таначасига лютеолитик (таркатувчи) таъсир кўрсатади, прогестероннинг гипоталамус-гипофиз мажмуасига тормозловчи таъсирини йўқотади, бу эса тухумдонларда фолликуллар ўсиши, конда эстрогенлар даражасининг ортиши, кочириш даври намоён булиши, ва этилган фолликулларнинг кейинги овуляциясига олиб келади. Препаратни юборилгандан кочириш даврининг биринчи белгиларигача бўлган муддат 48-72 соатни ташкил этади. Препарат бачадоннинг қисқариш функциясини кучайтиради ва факат тухумдонларда фаол ишлайдиган сарик таначалар булганда биологик таъсир курсатади.

Қўллаш учун курсатма:

а) Сигир ва ёш сигирларда жинсий кочириш даврини мослаштириш.

Препарат 2 мл дан икки марта, 10 кун оралиги билан юборилади. Препаратнинг биринчи дозаси жинсий циклнинг исталган босқичида юборилади (сигирларда тугрукдан кейин 40-кундан 60-кунгача). биринчи доза 11-куни, иккинчи доза 14-куни (72-76 соат утганда) мускул орасига юборилади.

б) Тухумдонларнинг лютеинли кисталари бўлган сигирларни даволаш.

Даволаш унумдорлигини ошириш учун препарат клопростин бир марта 4 мл дозада мускул орасига ҳамда гонадотропин 2,5-3,0 минг Х.Б. дозасида тери остига бир вақтда юборилади.

в) Персистент сарик таначалари булган сигирларга.

Клопростин 2 мл дозада мускул орасига юборилади, агар хайвон қочмаса биринчи инъекциядан кейин 11-куни 2 мл препаратни такрорий юбориш, 72-76 соатдан кейин йул-йуриklarга мувофик ўруглантириш ўтказилади.

г) Тугрукдан кейинги эндометрит ва бачадон субинволюцияси даволаш Касалланган сигирларни даволаш учун клопростин икки марта, 10-11 кун оралиги билан 2 мл дозада мускул орасига юборилади ҳамда бир вақтнинг ўзида этиотроп, патогенетик ва симптоматик даволаш воситалари қўлланади.

д) Қўйларда бачадон бўйинчаси очилмаслигини профилактика килиш ва даволаш учун хомиладор қўйларга клопростин тахминий туғишидан 15-16 кун аввал 2 мл дозада мускул орасига юборилади. Туғишдан аввал 3-5 кун жинсий кини чиқиб кетганда препарат юқоридаги дозада 2 мл эстрадиол- дипропионатнинг 0,1 % мойли эритмаси билан бирга юборилади.

Ножўя таъсири. Препарат тавсия этилган дозаларда қўлланганда ножўя ҳолатлар кузатилмайди.

Қўллаш ман этилади. Клопростин хомиладор хайвонларга қўлланиши мумкин эмас, чунки у хомила тушишни келтириб чиқаради.

ЯНГИ ПОЛИВИТАМИНЛАР ВЕТЕРИНАРИЯ АМАЛИЁТИДА

Ғ.Жабборов – магистратура талабаси, А.А.Холиқов - илмий раҳбар, доцент

Маълумки, витаминлар (**vita**- ҳаёт ва **aminum** - аминлар) ҳар хил кимёвий табиатли органик бирикмалар бўлиб, улар одам ва хайвон организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган жараёнларда катта рол ўйнайди. Улар асосан ўсимликлар ва микроорганизмларнинг хужайраларида синтезланади.

Ҳайвон организми кўпчилик витаминларни тайёр ҳолатда озиқавий маҳсулотлар билан қабул қилади, чунки улар хайвон организмда деярли синтезланмайди. Шунинг учун ҳам хайвон озиқаси тўла қийматли бўлиб, организмни ҳар томонлама, яъни организм учун керакли бўлган моддалар (оксиллар, ёғлар, карбонсувлар, минерал тузлар ва сув каби) билан

витаминологияга бўлган талабни ҳам қондира олиши керак. Айрим Б гуруҳ витаминлари ҳайвон организмда, қавш қайтарувчи ҳайвонларнинг меъдасида микроорганизмларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлишligи аниқланган. (Бауман В.К 2001)

Витаминология инсон ва ҳайвонлар яшашини таъминловчи аминлар бўлиб, организмни ўсиб ривожланиши учун ғоят зарур бўлган моддалар. Уларни кўпчилиги қон ва тўқималар маҳсул оқсиллари билан бириктиб, ферментлар ҳосил қилади.

Витаминология организмга асосан овқат билан тушиб кимёвий жараёнларда, моддалар алмашинувида қатнашади ва уларни этишмовчилигида авитаминоз ёки гиповитаминозлар юзага келади.

Ҳозир витамин ва унга ўхшаш 500 га яқин препаратлар синтез қилинган ва келиб чиқиши бўйича 4 гуруҳга фарқланади.

1. Озуқа витаминлари – булар озуқаларда тоза ёки бириккан ҳолатда бўлади.
2. Тоза витаминлар – ўсимликлар таркибидан ажратиб олинади.
3. Микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқариладиган витаминлар.
4. Синтез йўли билан олинadиган витаминлар.

Ветеринария амалиётида витаминлар авитаминоз ёки гиповитаминозларни даволаш билан бирга уларни бошқа воситалар билан кўпчилик юқумли ва юқумсиз касалликларни даволашда ҳам қўлланилади.

Витаминологияни 2 та тури мавжуд.

1. Сувда эрувчилар – Вит “В” гуруҳи, Вит “С.”
2. Ёғда эрувчилар – Вит А, Д, Е, F, К.

Ҳозир фармацевтика саноатини кескин ривожланиши натижасида витаминларни янги авлоди – поливитаминлар, яъни таркибида сувда ва ёғда эрувчи витаминлар, минерал моддалар ҳамда оқсил моддалардан ташкил топган препаратлар кашф қилинди ва жадаллик билан ветеринария амалиётига кириб келди, ҳайвонларни касалликларни даволашда самарали қўлланилмоқда.

Ветеринария соҳасини янги замонавий ветеринария дори-дормонлари билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳукуматимиз томонидан дунёнинг ветеринария фармацевтика саноати ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган янги замонавий дори дармонларини мамлакатимиз ветеринария амалиётига қўллашга рухсат берилди. Ҳозир Голландия, Испания, Германия, Беларуссия, Россия, Хитой, Ҳиндистон каби қатор мамлакатлар фармацевтика кампанияларини вет препаратлари бизда кенг қўлланилмоқда. Шундай препаратлардан бири “**Интравит**” препарати. У Голландиянинг “Interchemi” фармацевтик кампанияси томонидан ишлаб чиқарилади ва Ўзбекистон ветеринария амалиётида қўллашга лицензияга эга.

Интравит. Таркиби:

Вит.А- 15 000 ХБ, Д₃-7 500 ХБ, э-20 мг В₁-10мг, В₂-5 мг, В₆-3 мг, В₁₂-60 мг, пантенол-25 мг, никотинамид-50 мг, фоли кислотаси-150 мг, биотин-125 мг, холин-хлорид- 12,5 мг, аминокислоталар -12мг.

Интравит комплекс препарат поливитамин ва аминокислоталардан ташкил топган препарат бўлиб, қорамол қўй, эчки, чўчка ва паррандаларни қуйидаги касалликларида қўллаш тавсия этилади:

- қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар витаминлар ва аминокислоталар этишмовчилигини даволаш ва олдини олишда.

- ҳайвонларни стресс ҳолатларини олдини олишда.

- ҳайвонларни маҳсулдорлигини оширишда ва озуқани ҳазм қилишни яхшилашда.

Доза. Мускул орасига ёки тери остига.

Қорамол, от 10,0 – 15 мл

Бузоқ, қузи, той 5 -10 мл

Чўчка 2 – 10 мл